Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 52 (8542). • 13 март, 1985 йил • ЧОРШАНБА • Баҳоси 3 тийин.

**Совет кишилари партия ва давлатнинг атоқли раҳбари Константин Устинович ЧЕРНЕНКО билан видолашар эканлар, юксак онглилик ва уюшқоқлик намуналарини кўрсатиб, янада зўр ғайрат-шижоат ва фидокорлик билан меҳнат қиламиз, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаймиз, деб ваъда бермоқдалар.**

## Москва К. У. ЧЕРНЕНКО билан видолашмоқда

Советлар мамлакати чуқур мотам тутмоқда. Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Константин Устинович Черненконинг юраги уришдан тўхтади.

К. У. Черненконинг бутун ҳаёти ва фаолияти партия ва халқ ишига, Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш учун, социалистик давлатимизни ҳар томонлама такомиллаштириш учун, ер юзида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун курашга бағишланган эди.

12 март куни соат 10 да меҳнаткашларнинг Константин Устинович Черненко билан видолашуви учун зал эшиклари очилади. Марҳумнинг тобути Союзлар уйининг колонна залидаги супага қўйилган. Колонна зали мотам либосида. Байроқлар марҳумнинг бош томонига эгиб қўйилган. Совет Армиясининг жангчилари тобут ёнида сукут сақлаб турибдилар.

К. У. Черненкога Ватан олдидаги катта хизматлари учун тақдирлаб берилган мукофотлар — Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг учта «Ўроқ ва Болға» олтин медали, тўртта Ленин ордени, учта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, медаллар, шунингдек қардош мамлакатларнинг олий мукофотлари супанинг тўридаги қизил ёстиқчаларга қадаб қўйилган. Ленин мукофоти лауреати нишони ҳам шу ерга қўйилган.

Марҳумнинг тобути ёнига КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети, КПСС Москва шаҳар комитети ва Москва шаҳар Совети ижроия комитети, КПСС Москва область комитети ва Москва область Совети ижроия комитети, марҳумнинг қариндошлари ва яқинларидан гулчамбарлар қўйилди.

Союзлар уйига янги-янги гулчамбарлар — иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, иттифоқдош республикалар Олий Советлари Президиумлари ва Министрлар Советларидан, министрликлар ва идоралардан, ўлка партия комитетлари ва ўлка ижроия комитетларидан, область партия комитетлари ва область ижроия комитетларидан, жамоат ташкилотларидан гулчамбарлар олиб кирилади.

Кундуз соат 12. М. С. Горбачев, Г. А. Алиев, В. И. Воротников, В. В. Гришин, А. А. Громико, Д. А. Кунаев, Г. В. Романов, М. С. Соломенцев, Н. А. Тихонов, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, Е. К. Лигачев, К. В. Русаков, Н. И. Рижков ўртоқлар К. У. Черненкога сўнгги бурчларини адо этиш учун залга кириб келишди. КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари ҳам марҳумнинг тобути ёнида фахрий қоровулда турибдилар. Улар чуқур сукут ичида партия ва давлатнинг атоқли арбоби, ватанпарвар ва интернационалист, ер юзида коммунизм ва тинчлик идеалларининг тантанаси учун изчил курашчи билан видолашадилар.

Шундан кейин Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарлари К. У. Черненконинг қариндошлари ва яқин кишилари ҳузурига келиб, уларга чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Минг-минглаб кишилар — турли авлодларнинг вакиллари, пойтахт ва Москва областининг меҳнаткашлари узун саф бўлиб Колонна залидан ўтадилар.

Залда мотам куйи мунгли таралади. Тобут ёнидаги фахрий қоровул ҳар уч минутда ўзгариб туради. Дафн этишни ташкил қилувчи комиссия аъзолари, партия ва совет ходимлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари, ҳарбий бошлиқлар, фан ва маданият арбоблари, жамоатчилик вакиллари мотам вахтасида турадилар.

Пойтахтдаги завод, фабрика ва қурилишларнинг ишчилари, таниқли олимлар, муассасалар ва лойиҳалаш ташкилотларининг ходимлари, студентлар ва ўқувчилар тобут ёнидан ўтадилар. Барча совет кишилари каби улар ҳам КПССнинг стратегик йўли — СССРда барпо этилган социализмни такомиллаштириш йўлини қўллаб-қувватламоқдалар. Бу йўл К. У. Черненконинг нутқларида ҳар томонлама асослаб берилди. Ривожланган социализмнинг партия томонидан ишлаб чиқилган концепциясини янада чуқурлаштириш ва конкретлаштириш унинг номи билан боғланган. Бу концепция КПСС Программасининг янги таҳририни тайёрлаш соҳасидаги ишлар учун асос қилиб олинди. К. У. Черненко партиянинг омма ўртасидаги ғоявий-тарбиявий ва ташкилотчилик иши формалари ҳамда методларини такомиллаштиришга, партиянинг кадр сиёсатига, Советларнинг, касаба союзлари ва комсомолнинг, ижодий союзлар ва халқ контроли органларининг фаолиятини яхшилаш учун кўп куч сарф қилди ва бу ишларга катта эътибор берди. К. У. Черненко мактабислоҳотини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшди.

Совет кишилари К. У. Черненконинг ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини ошириш, экономикани ҳар томонлама интенсивлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ҳақидаги, хўжалик механизмини такомиллаштириш, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги зўр ғамхўрлигини ғоят қадрлайдилар. Унинг КПСС Марказий Комитети 1984 йил октябрь Пленумида сўзлаган нутқида партиянинг аграр сиёсати янада ривожлантирилди, Озиқ-овқат программасини бажариш, халқнинг турмуш даражасини муттасил ошириш соҳасидаги актуал вазифалар белгиланди.

Партия ва меҳнат ветеранлари Коммунистик партия ва Совет давлати раҳбарининг порлоқ хотирасини ҳурмат билан эслайдилар. Деҳқон оиласида туғилган Константин Устинович меҳнат фаолиятини болалик чоғлариданоқ бошлаган эди. У қулоқларга ёлланиб ишлади. Унинг шундан кейинги бутун меҳнат фаолияти комсомол органларида, сўнгра эса партия органларида раҳбарлик ишларини бажариш билан боғланган. К. У. Черненко ВЛКСМ ва КПСС район комитетлари бўлимларининг мудири бўлди, ўлка ва область партия комитетларининг секретари, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири ва секретари бўлиб ишлади. КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль ойида бўлиб ўтган навбатдан ташқари Пленуми К. У. Черненкони КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади. У бир неча чақириқ СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутати эди. К. У. Черненко 11-чақириқ СССР Олий Советининг 1984 йил апрель ойида ўтказилган биринчи сессиясида СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланди.

Партия К. У. Черненкога ишониб топширган юксак лавозимларда у содиқ ва матонатли марксчи-ленинчи, кишиларнинг тинчлиги ва бахт-саодати учун фаол курашчи эканлигини намойиш қилди. К. У. Черненко жуда бой ҳаётий тажриба соҳиби, чуқур назарий билимга, ғоят буюк сиёсий ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиб, партия Марказий Комитетининг КПСС бош йўлини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, партия XXVI съездининг қарорларини бажариш соҳасида, партия ва давлат ишининг ленинча услубини ривожлантириш ҳамда қарор топтириш соҳасидаги коллектив фаолиятига катта ҳисса қўшди.

...Мотам куйи эшитилади. СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутатлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, ишлаб чиқариш илғорлари, космонавтлар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари марҳум тобути ёнида вахтада турадилар.

Совет қуролли кучларининг жангчилари сукут ичида ўтадилар. Колонналарда солдатлар, учувчилар, денгизчилар, ҳарбий билим юртларининг курсантлари, академияларнинг тингловчилари ва ўқитувчилари бор. Улар К. У. Черненконинг 1930 йилда кўнгилли бўлиб Қизил Армия сафига келганлигини ва 1931 йилда Коммунистик партия сафига кирганлигини яхши эслайдилар. К. У. Черненко 1933 йилгача чегара қўшинларида хизмат қилди, чегара заставаси партия ташкилотининг секретари бўлиб ишлади.

К. У. Черненко СССР Мудофаа кенгашига бошчилик қилиб, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, Совет Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини ошириш учун кўп иш қилди.

К. У. Черненко мураккаб халқаро вазиятда партиямизнинг тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга, қуролланиш пойгасини жиловлашга, ядро уруши хавфини йўқотишга қаратилган тинчликсевар ленинча ташқи сиёсатини амалга ошириш йўлида ҳормай-толмай ишлади. Совет халқи, яхши ниятли барча кишилар бу сиёсатни якдиллик билан қўллаб-қувватладилар ва қўллаб-қувватламоқдалар.

Дипломатик корпус аъзолари Совет давлатининг раҳбари хотирасини ҳурмат билан эсладилар.

Москва ва бутун русь патриархи Пимен ва рус православ черкови олий руҳонийларининг бошқа намояндалари К. У. Черненконинг порлоқ хотирасини ҳурматладилар.

Бутун кун бўйи неча ўн минглаб москваликлар Константин Устинович Черненко билан видолашдилар. У бизнинг хотирамизда марксча-ленинча ғояларнинг оташин пропагандисти, меҳрибон ва талабчан раҳбар, меҳнат аҳлининг эҳтиёж ва талабларига зўр сезгирлик ва эътибор билан қараган инсон сифатида сақланиб қолади.

Совет кишилари КПСС Марказий Комитети навбатдан ташқари Пленумининг қарорини, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига мурожаатини қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Улар партия ва давлатнинг атоқли раҳбари билан видолашар эканлар, юксак онглилик ва уюшқоқлик намуналарини кўрсатиб, янада зўр ғайрат-шижоат ва фидокорлик билан меҳнат қиламиз, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаймиз, Улуғ Октябрь байроғини муносиб равишда баланд кўтариб борамиз, деб ваъда берадилар.

(ТАСС).

## КОНСТАНТИН УСТИНОВИЧ ЧЕРНЕНКОНИ ДАФН ЭТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ КОМИССИЯСИДАН

Комиссия хабар қиладики, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг мамлакатда мотам эълон қилиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ Константин Устинович Черненко дафн этиладиган кун — 1985 йил 13 март жасадни қабрга қўйиш пайти Москва вақти билан соат 13 дан 40 минут ўтганда Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, Қаҳрамон шаҳарлар Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тулада, Қаҳрамон Брест қалъасида, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Свердловск, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток, Красноярск шаҳарларида тўплардан ўқ узилади.

Худди шу пайтда Совет Иттифоқининг бутун территориясида узлуксиз ишлаб чиқариш корхоналаридан ташқари ҳамма корхона ва ташкилотларнинг иши беш минут тўхтатиб турилади; фабрикаларда, заводларда, темир йўлларда, денгиз ва дарё флоти кемаларида уч минут давомида гудок чалиб салют берилади.



Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарлари фахрий қоровулликда турибдилар.

## ПАРТИЯ ЙЎЛИГА САДОҚАТ

Мамлакат бошига чуқур қайғу тушган кунларда совет кишилари ленинчи Коммунистик партия теварагига янада маҳкамроқ жипслашмоқдалар.

Константин Устинович Черненконинг сиймоси миннатдор халқ хотирасида ҳамиша атоқли партия ва давлат арбобининг, бутун куч ва билимини мамлакат экономикасини ривожлантиришга, халқ фаровонлиги ва маданиятини ўстиришга, Ватан хавфсизлигини таъминлашга, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга сарфлаган коммунистик курашчининг ёрқин намунаси бўлиб сақланиб қолади.

КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми Коммунистик партия билан Совет давлати ленинча ички ва ташқи сиёсатини рўёбга чиқаришдаги давомийликни яққол намойиш этди.

Совет кишилари партия ўртага қўйган юксак ва масъулиятли вазифаларни бажаришга азму қарор берганлар. Шу кунларда мамлакатнинг барча иттифоқдош республикалари меҳнат коллективларида бўлиб ўтаётган митингларда шу фикр янграмоқда.

Москвадаги «Хроматрон» заводида бўлиб ўтган митинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми қарорларини якдиллик билан тўла-тўкис қўллаб-қувватлашларини изҳор қилдилар. Бу корхонадаги кишилар К. У. Черненко билан бўлиб ўтган учрашувни, унинг маслаҳатлари ва тавсияларини яхши эслайдилар.

Корхона партқомининг секретари Р. Скалкин бундай деди: К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг, Сиёсий бюронинг ривожланган социализмни такомиллаштириш тўғрисида партия йўлини ишлаб чиқиш соҳасидаги коллектив фаолиятига шахсан катта ҳисса қўшди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Марказий Комитетнинг навбатдан ташқари Пленумида сўзлаган нутқида партиянинг XXVI съездида, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида Юрий Владимирович Андропов билан Константин Устинович Черненконинг фаол иштирокида ишлаб чиқилган стратегик йўл изчил йўл бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, деб таъкидлади. Бу — мамлакатни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштириш, жамият турмушининг ҳамма соҳаларини такомиллаштириш йўлидир.

Ҳар бир киши бунёдкорлик меҳнати билан шуғулланган тақдирда партия ўртага қўйган вазифаларни амалга ошириш мумкин бўлади, деб таъкидлади ўз нутқида инженер-технолог Г. Воробьева.

— Бутун коллектив каби цехимиз ходимлари ҳам,— деб уқтирди у,— КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми якунлари, Михаил Сергеевич Горбачевнинг Пленумдаги нутқидан олинган зўр таассурот остида яшаб турибдилар. Оддий ва ҳаммага тушунарли сўзлар совет кишилари олдидаги аниқ-равшан мақсадларни тушунтириб берди, биринчи галдаги вазифаларни кўрсатди. Бу мақсад ва вазифалар ўз иш жойида виждонан фидокорона меҳнат қилишдан, ўз қобилияти ва истеъдодларини, ўзи ва касбдош ўртоқлари қилган ишларга танқидий баҳо бера билишдан, камчиликларнинг сабабларини аниқлашдан, нуқсонларни тугатишга интилишдан, бутун коллективнинг иши учун юксак масъулиятини сезишдан иборат.

Митинг қатнашчилари корхона коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг мурожаатномасига жавобан фидокорона меҳнат қилиб, партия ўртага қўяётган вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшади, деб таъкидладилар.

М. И. Калинин номидаги Москва камволь-йигирув фабрикасининг янги ип ўраш цехи станоклар сафлари тепасига «Партия билан халқ якдил!» деган шиор осилган. Корхона бошқа цехлари ва бўлимларининг вакиллари ҳам шу ерга тўпланишган.

— Коммунистик партия билан Совет давлати атоқли арбобининг юраги уришдан тўхтаганини англаш қайғулидир,— деди митингда ип йигириш цехининг мастер ёрдамчиси В. И. Казанбаева. Шу кунлардаёқ биз Ленин партияси теварагида янада маҳкамроқ жипслашишга, коммунистик қурилиш режаларини амалга ошириш йўлидаги курашда кўпроқ муваффақиятларга эришишга азму қарор берганлигимизни билдирамиз.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари Коммунистик партияни совет жамиятининг раҳбар ва раҳнамо кучи деб билишларини митинг қатнашчилари таъкидлаб ўтишди. Улар КПСС Марказий Комитети навбатдан ташқари Пленумининг қарорларини қўллаб-қувватлашларини изҳор қилдилар.

Пленум қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг нутқи янада яхшироқ меҳнат қилишга, КПССнинг ленинча ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш учун астойдил курашга руҳлантиради,— деди слесарь В. Татаров коллективнинг фикрини ифодалаб.

Красноярск дон комбайнлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош конвейерида бўлиб ўтган митингга барча цех ва бўлимларнинг вакиллари тўпланишди. Катта мастер П. Вальнев минбарга чиқади.

— Ватанпарвар ва интернационалист, коммунизм ва ер юзида тинчлик идеалларининг тантанаси учун изчил курашчи К. У. Черненко орамиздан кетди. Константин Устинович Красноярск диёрида туғилиб ўсган. Шу ерда у ўзининг меҳнат фаолиятини бошлаган. У Красноярск ўлка партия комитетида ишлаганида бизнинг корхонамизга тез-тез келиб турар, меҳнаткашлар билан учрашар, уларнинг фикр-ўйларини қизиқиб суриштирар эди. Одамларнинг талаб ва эҳтиёжларига сезгирлик билан қарайдиган қалби дарё, принципиал ва камтарин инсон К. У. Черненко партияда, халқ орасида зўр ҳурмат қозонди.

Митингда сўзга чиққан кишилар барча сибирликлар каби Красноярск машинасозлари ҳам янада зўр ғайрат-шижоат ва фидокорлик билан меҳнат қиладилар, деб таъкидладилар. Улар КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми мамлакат меҳнаткашлари олдига қўйган вазифани бажаришга салмоқли ҳисса қўшадилар — қисқа муддатларда энг илғор фан-техника позицияларига, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг дунёдаги энг юқори поғонасига чиқиб оладилар.

Киевдаги «Большевик» полимер машинасозлиги бирлашмасидаги митинг қатнашчилари партиянинг ички ва ташқи сиёсатини астойдил қўллаб-қувватлашларини, Ватан қудратини ҳар томонлама мустаҳкамлашга аҳд қилганликларини билдирдилар.

К. У. Черненконинг вафот этганлиги тўғрисидаги хабар совет кишилари қалбига чуқур қайғу солди,— деди разметкачи Ф. Чусовитин.— Бизнинг Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнатимиз унинг хотирасини энг яхши тарзда ҳурматлаш бўлади. Ленин партиясининг режаларини муваффақиятли амалга ошириш учун бутун куч-ғайратимизни ишга соламиз.

Бош мастер Е. Белозеров, комсомол комитети секретарининг ўринбосари Н. Саливон ва бошқалар корхона коллективини план ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун ҳамма ишни қилишга, ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида интизом ва уюшқоқликни оширишга чақирдилар.

Литвадаги энг катта тўқимачилик корхонаси — Каунасдаги «Дробе» жун газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнатчилари митингга тўпланиб, Ленин ғояларига содиқ эканликларини билдирдилар, бутун кучларини социалистик Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга сарфлаш тўғрисида КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига ваъда бердилар.

— Ўртоқ М. С. Горбачев ўзининг КПСС Марказий Комитети навбатдан ташқари Пленумида сўзлаган нутқида, — деди тўқувчи В. Аксамитаускене, — Марказий Комитет теварагига жипслашган халқ билан партия Совет Ватанимиз янада

**(Давоми иккинчи бетда).**

## ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТЛАРИ ВА МЕҲНАТКАШЛАРИДАН

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Константин Устинович Черненконинг вафоти тўғрисидаги мусибатли хабар Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашларини чуқур қайғуга солди. Бизнинг партиямиз, бизнинг мамлакатимиз атоқли сиёсий ва давлат арбоби, содиқ ленинчи, бутун жаҳонда коммунизм идеаллари учун, тинчлик учун матонатли курашчидан жудо бўлди.

Константин Устинович Черненко ёшлик чоғидаёқ ўз ҳаётини партия билан боғлаб, ўзининг бутун куч-ғайрати, чуқур билими, ташкилотчилик талантини ва улкан амалий тажрибасини КПССга, совет халқига хизмат қилишга бағишлади. Партия юборган барча масъулиятли ва раҳбарлик лавозимларида у толмас ғайрат-шижоати, зўр фидокорона иши туфайли, улуғ Ленин ишига садоқати туфайли бутун совет халқининг иззат-ҳурмати ва миннатдорчилигига сазовор бўлди.

Константин Устиновичнинг номи КПСС Марказий Комитети ва Совет давлати партиянинг совет кишилари моддий фаровонлиги ва маданий савиясини ошириш, мамлакат экономикасини янада мустаҳкамлашдан иборат программавий вазифасини ҳал этиш соҳасида изчил олиб бораётган иши билан чамбарчас боғланган.

Константин Устинович Черненко меҳнаткашларнинг бахт-саодати ҳақида, Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа потенциалини мустаҳкамлаш тўғрисида доим ғамхўрлик қилганлиги, халқаро майдонда Совет давлатининг манфаатларини қатъий ҳимоя қилганлиги, тинчликни сақлаш соҳасида зўр ғайрат билан қилган ишлари туфайли совет кишиларининг чексиз муҳаббатига сазовор бўлди, бутун тараққийпарвар инсониятнинг зўр эътибори ва иззат-ҳурматини қозонди.

К. У. Черненко КПСС Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиумига бошчилик қила бошлаганидан буён кўп вақт ўтмади. Лекин шундай бўлса ҳам партия шу давр ичида XXVI съезднинг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг белгилаб берган йўлига амал қилиб, иқтисодий ва социал тараққиётнинг ҳамма йўналишларида мамлакатнинг дадил олға ҳаракат қилиб боришини таъминлади.

Константин Устинович ривожланган социализм даврида партиянинг назарияси, стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишга, бундай шароитда КПССнинг раҳбарлик ролини, унинг идеологик фаолиятини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшди.

Партиянинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида интизом, уюшқоқлик ва тартибни мустаҳкамлашга қаратилган қатъий йўли амалга оширилаётганлиги унинг номи билан боғланган.

Оташин ватанпарвар ва интернационалист Константин Устинович КПССнинг ленинча миллий сиёсатини янада ривожлантиришга, СССР халқларининг бузилмас дўстлигини мустаҳкамлашга, барча иттифоқдош республикаларнинг экономикаси ва маданиятини юксалтиришга катта аҳамият берди.

Константин Устинович Совет Ўзбекистонининг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни яхшилаш соҳасидаги ишда республика партия ташкилотининг жанговар фаолиятини ошириш борасида кўп иш қилди.

Партия билан халқнинг бирлиги ҳамиша бутун ижтимоий-сиёсий системамизнинг пойдевори бўлиб келди. Ҳозирда ҳам шундай ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Республикадаги коммунистлар ва партиясизлар, ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, халқ зиёлилари ҳозирги қайғули, мотам кунларида жонажон партия теварагига, унинг ленинчи Марказий Комитети ва Сиёсий бюроси теварагига янада маҳкам жипслашиб, КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига бутун куч ва ғайратимизни партия режаларини амалга оширишга, кўп миллатли Совет давлатимизнинг экономикасини, маданиятини, мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга сарф қиламиз, деб ваъда берадилар.

Константин Устинович Черненконинг порлоқ хотираси қалбларимизда абадий сақланиб қолади.

**ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

